





НОДИРА ХОЛИҚОВА



**ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА
ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НОДИРА ХОЛИҚОВА

**ЎЗБЕК ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА
ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**



ТОШКЕНТ – 2020
«НАВРЎЗ» НАШРИЁТИ

UO'K: 332.871

КВК: 65.31

М 37

Нодира ХОЛИҚОВА.

«Ўзбек жадид шеърлятида озодлик ҳаракатининг бадний талқини»
монография – Т.; «Наврўз» нашриёти, 2020 – 148 б.

Масъул муҳаррир:

Н. ЖАББОРОВ –филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

У. ДОЛИМОВ – педагогика фанлари доктори, профессор.

А.Р. ДАВЛАТОВА – филология фанлари номзоди, доцент.

Ушбу монография миллий уйғониш даври ўзбек шеърлятининг янги манбалари, жадид зиёлиларининг миллат манфаатларига доир саъй-ҳаракатлари, халқнинг ижтимоий- сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилган мардикорлик шеърляти ҳамда унинг бадияти, жанр ва вазн хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Сидкий Хондайлиқий каби машҳур намояндалари ижоди мавзудан келиб чиқиб янги талқин қилинган бўлса, Муҳиддин Иброҳимий, Лутфулла Олимий, Рафиқий, Акбарий Тошкандий, Мулла Муртазо ва Жавҳарий шеърлари илк бор тадқиқ этилган. Уларнинг илм аҳли эътиборидан четда қолиб келаётган айрим асарлари аниқланиб, илмий истифодага киритилган.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий Кенгаши (10-сонли баённомаси, 30 январ 2020 йил) қарори асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978- 9943- 565-12-8

© Нодира ХОЛИҚОВА
© «Наврўз» нашриёти,
2020

КИРИШ

XX аср илк чорагидаги ижтимоий-сиёсий воқелик, жумладан, Биринчи жаҳон уруши асоратлари, 1916 йил воқеалари, 1917 йилги Февраль инқилоби ҳамда Октябрь тўнғариши Туркистон халқи ҳаётига ҳам таъсир этмай қолмади. Мазкур воқеа-ҳодисалар миллат тарихида ўзига хос ўзгаришлар ясади. Хусусан, 1916 йил воқеалари истибдодга қарши исён кўтарган ўзбек халқининг онгида, шуурида, қолаверса, тақдирида муайян из қолдирди. Мардикорлик ўзбек халқининг миллий-ижтимоий уйғонишида алоҳида ўрин тутган ҳодисага айланди. 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати заминида майдонга келган бир қанча асарлар зулм ва истибдодга қарши курашнинг ёрқин саҳифаси сифатида ўша давр адабиётининг етакчи мавзуга айлангани фикримизнинг тасдиғидир.

Маълумки, мардикорлик воқеалари бадиий адабиётнинг деярли барча тур ва жанрларида, аввало, халқ оғзаки ижоди – қўшиқ ва дostonларда, шунингдек, ёзма адабиётда – шеърятда, насрда, драматургияда, бадиий публицистика ва автобиографик асарларда акс этган. Бироқ бу асарлар адабиёт тарихи нуқтаи назаридан ҳам, илмий муаммо тарзида ҳам ўрганилган эмас. Профессор Б.Қосимов таъбири билан айтганда, “...мавжуд асарларни аниқлаш, тўплаш, саралаш ва илмий муомалага олиб кириш босқичида турибди. Бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритган фольклористикада эса мазкур муаммони бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Ёзма адабиётдаги ишлар эса ҳали олдинда”¹. Мардикорлик шеърятти, шубҳасиз, тарихий шароит тақозоси ўлароқ майдонга келди. Мухими, тарихий воқеаларнинг ҳаққоний ифодаланишигина эмас, турлича қарашлар, турлича муносабатларнинг адабиётдаги талқинидир. 1916 йил воқеаларининг шеърятдаги талқини муаммосига бағишланган ушбу тадқиқот мардикорлик мавзудидаги асарларнинг ғоявий-бадиий моҳиятини очишга, бу асарлар

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 145; Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 182.

муаллифларнинг ижодий ва поэтик маҳоратини ўрганишга қаратилгани билан долзарбдир.

Мардикорлик шерьитини таджик этиш асносида ажлдоларимизнинг асрий орузи ҳисобланган истиқлол, эрк, озодлик, шунингдек, Ватан, миллат каби тушунчаларни ёш авлод қалбида ва онгидида шакллантириш зарурати ҳам ишнинг аҳамиятини оширади, деб ўйлаймиз.

Аввало, ушбу мавзунинг ўрганилишини таджик этсак. Эро, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатига оид дастлабки илмий тадқиқот 1924 йилда Т.Рискулов томонидан ёзилган¹. Шундан буюн мазкур мавзу юзасидан ўнлаб монографик ишлар яратилди². Бу тадқиқотларда асосий эътибор озодлик ҳаракатининг турли

¹ Қаранг: Рыскулов Т. Борьба за освобождение Востока. Новый Восток. – Ташкент, 1924. Т. Рискулов 1916 йил кўзғолонини мустамлакачиликка қарши умумхалқ ҳаракати, деб баҳолаган.

² Галузю П.Г. Туркестан – колония. (Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года). – М.: Коммунистический Университет Трудаишхса Востока, 1929; Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане (к 20-летию восстания). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1937; Миронов П.П. Джизакское восстание в 1916 году // Звезда Востока. – 1946. - №7-8; Мавлоний Э. 1916 йилги Жиззах кўзғолони. – Топкент. Ўздавнашр, 1947; Зимма А.Г. Истоки восстания 1916 года в Киргизии. Елеуов Т.Е. Основные вопросы восстания 1916 года в Казахстане. Ковалёв П.А. О характере восстания 1916 года в узбекских и таджикских районах / Материалы научной сессии, посвящённой истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. 1954 год, Турсунов Х.Т. Ўрта Осиё ва Қозғолтонда 1916 йил халқ кўзғолони. – Топкент: Фан, 1987. Ушбу тадқиқотларда муаммага шўро мафкураси нуқтани назардан ёндашилган. 40-йиллардан бошлаб мухожир ватандошларимиз ижодида 1916 йилги миллий озодлик йиллардан бошлаб мухожир ватандошларимиз ижодида 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати ва унда жадилларнинг тутган ўрни ҳақида янгича ёндашувлар пайдо бўлди. А. Зеки Velidi To'g'ol. Yug'inku turkili (Turkistan) ve yakip talibi. Silt I. Vatı ve Kuzey Turkistan. – Istanbul, 1942; Nayit V. Turkistan im XX. yalhinidert. – С. W. Leske Verlag Darmstadt, 1956. 90-йиллардан юртимизда тарихий воқееникка ҳолисона баҳо бериш имкони туғилди. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳужроолиптига қарши кураш. – Топкент: Шарқ, 1998. – Б. 400-430; Содиқов Х. XX аср бошида Туркистонда чоризмининг мустамлакачилик сисёати ва истиқлол учун кураш: Тарих фанлари докт. ... дис. – Топкент, 1994; Суенова О. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида): Тарих фанлари номз. ... дис. – Топкент, 1997; Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. XX аср тарихшунослигида (1916 йил кўзғолони ва 1918-1924 йиллар истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): Тарих фанлари докт. ... дис. – Топкент, 1998; Чориев З. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сисёати ва миллий эълмининг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари: Тарих фанлари докт. ... дис. – Топкент, 1999. Исмоилова Ж. XX аср боши Туркистонда миллий озодлик курашлари (Фарғона водийсидаги 1916 йил кўзғолони): Тарих фанлари докт. ... дис. – Топкент, 2002; Муродова Ш. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасида озодлик ҳаракатлари тарихи (Самарқанд вилояти мисолида): Тарих фанлари номз. ... дис. – Топкент: ЎЗМУ, 2004.